



Махфуза ОРТИҚОВА

ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

АЛПУХАРРА ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ШАРАФИГА НОМЛАНГАНМИДИ?



Испания деганда кўз олдингизда кўзларида жасорат, қатъият балқ урган аёлнинг саҳнада виқор ила фламенко тушаётгани, сочлари узун йигитнинг романтик қиёфада гитаррани “сўзлатаётгани”, одамларнинг букалар олдида тушиб ура қочаётгани гавдаланиши ёки кулоғингиз остида “Реал Мадрид” ҳамда “Барселона” футбол жамоаларининг номи жаранглаши тайин. Бироқ мазкур мамлакатнинг бошқа европа давлатларида учрамайдиган қизик одатлари, анъаналари, испан тилининг эса бошқа европа тилларига хос бўлмаган қоидалари борлигини ҳамма ҳам билавермайди.

Шундай анъаналардан бири испанларнинг “сиеста” (siesta) сидир. Бу одат мамлакатга илк бора ташриф буюрганларни ҳайратга солмай қўймайди. Сиеста деб пешинги таомни еб бўлгандан сўнг 4 соат давом этадиган дам олиш вақтига айтилади. Бу пайтда айнан испанлар дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчаларини ёпиб, кечки соат беш яримгача дам олишади. Пешин вақтида бирор нарса харид қилишга зарурат бўлса, унда нима қилиш мумкин, деган савол туғилдими? Бундай вазиятда сизга хитойликларнинг дўконлари ёки хизмат кўрсатиш шохобчалари ёрдам беради. Савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида кўпчиликни ташкил этувчи хитойликлар сиестани тан олишмайди ва асосий эътиборларини савдога қаратишади.

Европанинг бошқа ўлкаларида учрамайдиган “сиеста”нинг илдизи эса арабларга бориб тақалади. Испания ҳудудлари саккизинчи асрда араб халифалари томонидан босиб олингандан сўнг уларнинг маданияти ҳам

мамлакатга кенг ёйила бошлаган. Тарихий манбалардан маълумки, араблар куннинг ҳаддан зиёд иссиқлиги туфайли пешин намозидан сўнг “қайлула” уйқусига кетишган ва ўз ишларини асрдан сўнг давом эттиришган. “Тарки одат амри маҳол” деганларидек, улар бу анъаналарини Испания ҳудудларида ҳам ташлашмаган. Испаниянинг иқлими нуқтаи назаридан бундай дам олиш вақтига зарурат бўлмасада испанларга бу одат қадимда яшаб ўтган ота-боболаридан мерос саналади, улар ҳам бундай ажойиб имкониятдан хали-бери воз кечишмоқчи эмас.

Араблар билан бирга кириб келган яна бир одат борки, у ҳам бўлса катта лагандан бир неча кишининг овқатланишидир. Испан оилаларида кузатиладиган бу анъанани ғарбнинг бошқа давлатларида учратмайсиз.



Испан тили ҳам сизни ҳайратлантиришда анъана-ю, урф-одатлардан ортда қолмайди. Европа тилларига хос бўлмаган пунктуацион белгилар испан тили қоидалари ўз аксини топган. Масалан, сиз бирор нарса сўрамоқчи ёки ҳис-ҳаяжонингизни матнда билдирмоқчи бўлсангиз, гап бошлашдан аввал буни ҳал қилганингиз маъқул. Чунки сўроқ гап аввалига ¿ белгиси, яъни тўнқарилган сўроқ, ҳис-ҳаяжонли гапларга эса ¡ белгиси, яъни тесқари ундов қўйиб бошланади. Гап тугагандан сўнг одатдаги ? ҳамда ! белгиларини ишлатасиз.



Масалан: ¿A dónde quieres ir en las vacaciones?

¡Te deseo mucha suerte y felicidad!

Қарийб тўққиз аср давомида бугунги Испания ҳудудларида ҳукмронлик қилган араб халифалари араб ёзувини амалиётга жорий этишган. Лотин тилига асосланган ёзувдан фарқли ўлароқ арабча ҳарфлар ўнгдан чапга қараб ёзилар эди. Юқоридаги белгилар эса табиийки тўнқарилган ҳолда гап охирида берилган. Шу-шу мазкур белги испан ёзувида сақланиб қолади ва бу тилни ўрганувчиларни ҳозиргача ажаблантириб келади.

Араб тилининг испан тили лексикасига таъсири кучли бўлиб, юзлаб сўзлар араб тилидан ўзлашган ҳисобланади. Ўзбек тилига ҳам араб тили лексикасидан сўзлар ўзлашганини ҳисобга олганда испан тилидаги баъзи сўзлар бизга жуда яқиндир. Масалан,

Араб тилидан ўзлашган испанча сўзлар	Ўзбек тилидаги варианты
<u>Álgebra</u>	Алгебра
<u>Alcohol</u>	Алкоголь
<u>Alcázar</u>	Қаср
<u>Cafre</u>	Кофир
Fulano	Фалон
Faquir	Фақир
<u>Imam</u>	Имом
Islam	Ислом
<u>Jirafa</u>	Жирафа
Joroba (“хороба” шаклида ўқилади)	Хароба
Limón	Лимон
Mezquino (“мескино” шаклида ўқилади)	Мискин
Ojalá (“Охала” шаклида ўқилади)	Э, Оллоҳ
Rasmia	Расмий
Sultán	Султон
Sorbete	Шарбат
Tambor	Тамбур
<u>Ulema</u>	Уламо
Valí	Валий
Visir	Вазир

Испан тилидаги топонимлар, яъни жой номлари ҳам араб тилининг кучли таъсирига учраган. Марокаш орқали ҳозирги Испания ҳудудларини ўзлаштирган мусулмонлар шаҳар ёки қишлоқларни, айниқса, Андалусия ҳудудларини арабча атай бошлашган.

Масалан, **Axarquía** (ўқилиши: Аксаркия). Малага провинциясининг шарқий қисмидаги туман шу ном билан аталади. Арабчадан, *Ash-sharquía*, яъни шарқий туман деган маънони англатади.

Alcalá (ўқилиши: Алкала). Мамлакатда бу номдаги бир қатор жойлар бўлиб, улар Алкала де Гуадаира, Алкала де Гасуелес, Алкала де Энарес ва ҳ.к. Арабчадан *al-qala`a* “қалъа” деганидир.

Alcolea (ўқилиши: Алколеа). Кордоба провинциясида жойлашган туман. Арабчадан *al culaica*, яъни “кичик қаср” маъносини беради.

Azuquesa (ўқилиши: Асукека). Испаниянинг Гуадалахара провинциясида жойлашган туман. Арабча *as-sukaika*, “йўл” деган маънони билдиради.

Guadalquivir (ўқилиши: Гуадалкивир). Арабчадаги *al-wādī al-kabir* сўзидан олинган бўлиб, “катта дарё” деб таржима қилинади.

Jaén (ўқилиши: Хаэн). Андалусиядаги шаҳар номи бўлиб, *Jayyan* “қарвонлар чорраҳаси” деган маънони англатган.

Murcia. Арабчадан *Mursiyah*, “кемалар тўхтайдиган жой” маъносини берган.

La Malahá (ўқилиши: Ла Малаа). Арабчадан *Al maliha*, “тузли” деган маънони англатади.

Испания пойтахти Мадрид шаҳрининг номи ҳам араб тилидаги *Mağra*, яъни “дарё ўзани” деган сўздан олиниб, романча –*it* қўшимчасини олиши билан Мадрид кўринишига келган.

Mulhacén. Иберия яриморилининг энг юқори чўққиси шундай аталади. Бу ном араб Назарий шоҳларидан XV асрда Андалусияга ҳукмронлик қилган Мулай Ҳасан исмининг кастельянлаштирилган варианты Мулей Ҳасандан келиб чиққан.

Араб тилидан ўзлашган сўзлардан ташкил топган топонимларни испан тилида яна кўплаб учратиш мумкин. Лекин бу турдаги топонимлар орасида алоҳида эътиборимизни тортгани **Alpujarras** бўлди (ўқилиши: Алпухаррас). Гранаданинг жанубидан Алмериягача бўлган ҳудудлар Алпухарра деб аталади.



Алпухарра топонимининг келиб чиқиши ҳақида бир қатор қарашлар мавжуд бўлсада, ҳанузгача испаниялик олимлар томонидан аниқ бир хулосага келингани йўқ.

Sierra Nevada (қорли тоғ тизмаси) деб номланган мазкур ҳудуд Андалусия араб халифаларининг ҳукмронлиги остида бўлган даврларда Алпухарра деб номлана бошланган. Баъзи манбаларда Алпухарра сўзи арабчадаги *Al-Busherat*, яъни “ўтлоқ ерлар”дан олинган дейилса, яна бошқалар уни “*alba sierra*” (*шафақли чўққи*) сўзи билан боғлашади.

Аммо арабшунос испан олимлари мусулмонлар томонидан бу ерлар ўзлаштирилгандан сўнг берилган Алпухарра аслида “*al-Bujarra*” сўзидан келиб чиққанини таъкидлашади. Бироқ юқорида келтирилган топонимлар каби “*al-Bujarra*” (ўқилиши: ал-Бухарра)га таъриф беришмаган.

Испан тилидаги манбаларда буюк бобокалонимиз Имом ал-Бухорийга шундай таъриф берилган: “Al-Bujari (Ал-Бухари) 810–870 йилларда яшаб ўтган ислом динининг буюк олими бўлиб, энг сара, ишонарли ҳадис тўплагани

билан машхурдир. Сунний мазҳабидаги мусулмонлар учун ҳадис Қуръондан кейинги энг ишонарли манба ҳисобланади”⁴.

Алпухарранинг бу ном билан 12-асрда атала бошланганини, ислом маданиятининг испан тили, маданияти, анъаналарига чуқур синганини, мусулмон оламида буюк бобомиз Имом ал-Бухорийга бўлган юксак ҳурматни, Испания ҳудудларида араблар ҳукмронлик қилган даврларда мамлакат ҳудудларини шахслар отлари билан номланганини инобатга олсак, Алпухарра ҳам бобомиз Имом ал-Бухорий шарафларига аталган деган фикрни илгари суриш мумкин. Балки шу сабабдан ҳам бир қатор топонимларнинг арабча вариантлари ҳеч иккиланишларсиз испан тилига таржима қилинаётган бир вақтда айнан Алпухарра номи билан боғлиқ масала ойдинлашмай қолаётгандир.

⁴ https://es.wikipedia.org/wiki/Muhammad_Ibn_Ismail_Al-Bujari#Su_memoria.2C_inteligencia_y_conocimiento